

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

Дониёр Бахтиёр ўғли Ахмаджонов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчилар касбий-педагогик компетентлиги мазмуни, уни такомиллаштириш шакл ва усуллари, касбий-компетентлик сифатлари ҳамда уларнинг моҳияти изоҳлаб ўтилган. Бўлажак мутахассис касбий-компетентлигини такомиллаштиришда ўз устида ишлаш босқичлари, ўзини-ўзи ривожлантириш, таҳлил ва мониторинг қилиш орқали ўзини-ўзи ҳолис баҳолашнинг шакллари келтириб ўтилган. Касбий-педагогик компетентликни такомиллаштириш бўйича инновацион махсус дастурлар ишлаб чиқишнинг зарурати, унинг таркибий қисмлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган, хулосалар тақдим қилинган.

Калит сўзлар: педагогика, психология, компетенция, касб, инновация.

FORMS AND METHODS OF IMPROVING THE PROFESSIONAL COMPETENCES OF FUTURE TEACHERS

ABSTRACT

This article explains the content of professional and pedagogical competence of future teachers, forms and methods of its improvement, the qualities of professional competence and their essence. The stages of self-improvement, forms of self-assessment through self-development, analysis and monitoring in improving the professional competence of the future specialist are given. The need to develop innovative special programs to improve professional and pedagogical competence, proposals and recommendations on its components have been developed, conclusions have been presented.

Keywords: pedagogy, psychology, competence, profession, innovation.

КИРИШ

Дунё таълим тизимида таълимни ривожлантириш бўйича кўплаб тадқиқотлар, лойиҳалар олиб борилмоқда, айниқса педагогик касбий тайёргарликнинг барча компонентларини ривожлантиришга катта аҳамият

қаратилмоқда. Мамлакатимизда ҳам педагогик касбий компетенцияларни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш мақсадида таълим муассасаларида замонавий моддий техник база яратилган ҳамда инновацион таълим дастурлари ишлаб чиқилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ривожланган давлатлар таълим тизимидаги ютуқлардан келиб чиққан ҳолда юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, олий таълим муассасаларида компетентли илмий педагогик кадрлар захирасини яратиш” вазифаси белгилаб ўтилган[1]. Шу билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган кўплаб ислохотларда ҳам демократик тамойиллар асосидаги фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида олий таълим тизимида талабаларнинг мутахассислиги бўйича касбий тайёргарлик сифатини оширишда педагогларнинг касбий компетенцияларини янада такомиллаштириш зарурати таъкидлаб ўтилган. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб бориш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу вазифаларни амалга оширишда таълим контекстида кўп босқичли узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик тамойилларига асосланган самарали инновацион моделларни яратиш, педагогларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

Глобаллашув ва халқаро интеграциянинг ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг кенгайиши билан боғлиқ ҳолда касбий компетенциялар бўйича ахборотларнинг ҳам тезкор алмашиш имконини берадиган механизмлар зарур бўлмоқда ва бу масалалар мазкур мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Педагогика соҳасидаги олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашларини бойитишда уларни инновацион таълим технологиялари, ўқитишнинг янги, инновацион шакл, метод ва воситалари билан таништириш, педагогларда касбий компетентлик сифатлари ва креатив қобилият моҳияти билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Республикамиз олимларидан Л.Ахмедова, У.Бегимкулов, Н.Муслимов, Б.Раҳимов, Н.Тайлоқов, Ш.Шарипов ва бошқалар таълим соҳасида ижтимоий-

педагогик, акмеологик масалаларга доир илмий тадқиқотлар олиб борган ва бу тадқиқотларда бевосита муайян йўналишлардаги мутахассисларнинг касбий компетенцияларини такомиллаштириш масалалари келтириб ўтилган. Шунингдек, педагогнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш масалалари педагог олимлар Ҳ.Абдукаримов, Н.Азизхўжаева, А.Алиев, Ю.А.Ахроров, А.А.Вербицкий, Р.Ҳ.Жўраев, Б.Р.Жўраева, Ж.Ғ. Йўлдошев, С.М.Маркова, Г.М.Махмутова, А.А.Ҳамидов, Ф.Р.Юзликаевларнинг ишларида ҳам тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида В.Байденко, А.Залевская, Э.Зеер, И.Зимняя, О.Поляков каби олимларнинг илмий тадқиқотларида касбий компетенцияларни шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари турли жараёнларда таҳлил қилиш ва тизимлаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Бироқ инновацион ёндашувлар асосида олий ҳарбий таълим муассасалари офицер-ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг интегратив мазмуни ва методик шарт-шароитларининг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

НАТИЖАЛАР

Олий таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, педагог мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларни соҳага оид замонавий касбий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, илмий-техник инновациялардан мустақил равишда, ижодий фойдаланиш ҳамда истиқболли вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини ривожлантириш муҳим вазифалардан саналади. Олий таълим тизимини модернизациялаш (ингл. modern – янгиланган, замонавий, тезкор ўсиш) таълим жараёнига нисбатан инновацион ёндашувни талаб этади. В.А.Сластенин педагогик жараёнга инновацион ёндашишни ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсади, мазмуни ва шаклига янгилик киритиш билан изоҳлайди[2].

“Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик илмий изланишлар натижасида кириб келган. Вазирлар Мақкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълимнинг Давлат

Таълим Стандартида компетенция тушунчасига мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти сифатида таъриф берилган[3].

Психологик нуқтаи назардан компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолатларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгаллик”ни англатади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда компетентлик бу инсоннинг мавжуд билим ва ҳаётий тажрибаларга таянган ҳолда маълум бир муаммони ҳал этишга доир иқтидори деган хулосага келиш мумкин.

Олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацияларни татбиқ этишдаги муҳим компонентлардан бири – ўқитувчининг касбий компетентлиги ва инновацион фаоллиги ҳисобланади. Касбий компетентлик тушунчасига нисбатан илмий доирада турли муносабатлар илгари сурилади. У меҳнат субъектига нисбатан аниқ фаолият талаблари ёки айнан, субъектнинг аниқ фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларига нисбатан муносабатини тавсифловчи хусусият сифатида қўлланилади. Масалан, тадқиқотчи олим Э.Ф.Зеер касбий компетентликнинг функционал тараққиётини тадқиқ қилиш касбий камолотга эришиш чоғида компетентликнинг турли кўринишлари интеграциялашиб боришини ва уларнинг касбий муҳим шахс сифатлари билан алоқаси кучайиб боришини кўрсатади[4]. Хусусан, касбий компетентликнинг асосий даражаларига касбий тайёргарлик ва тажриба, ўзини-ўзи англаш, ўз кучига ишониш, ўзга инсонлар томонидан кўрсатилган камчиликларни тўғри қабул қилиш ва шу каби бошқа касбий камолотни белгилаб берувчи шахс хусусиятларини киритади. Юқорида қайд этилган фикрларни таҳлили педагогнинг касбий компетентлигини шахсий, ижтимоий, креатив, методик компетентлик каби қатор ўзига хос хусусиятлар мажмуаси сифатида тўлиқ изоҳланишига имкон беради[5].

Касбий компетентликда мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши назарда тутилади. Бу тушунча бўйича турлича таъриф ва ёндашувлар мавжуд. Н.М.Муслимовнинг фикрига кўра, “компетентлик” (ингл. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий

билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олишни ифодалайди[6].

В.И.Андреевнинг фикрича, компетенция маълум ўқув, касбий ва бошқа мажмуавий масалаларни ҳал қилишда намоён бўлувчи, ривожланиб борувчи интеграл кўрсаткичлар бўлиб, у шахснинг ижобий мотивация, билим, маҳорат, иқтидор ва ижодий фаолият тажрибасини ўз ичига олувчи тайёргарлик даражасидир[7].

Н.В.Тарасова компетенция тушунчасини муаммони ҳал этишга қаратилган билим ва вазият, билим ва ҳаракат ўртасида алоқадорликни таъминлаш имконини берувчи билим, қадриятлар ва идрокка асосланган умумий қобилият сифатида талқин этади[8].

МУҲОКАМА

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутати. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади. Касбий компетентлик мураккаб жараёнларда, ноаниқ вазифаларни бажаришда, бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда, қутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда ва бошқа шу каби ҳолатларда яққол намоён бўлади.

Касбий-педагогик компетентлик эса ўзининг касбий маҳоратини мукамал ривожлантирган, дарс жараёнини самарали лойихалаштирадиган, уни бошқара оладиган, таълим ислохотларини, замон талабларини, инновацион парадигмаларни илғаган ҳолда уларни дарс жараёнида мувафакқиятли қўллай оладиган мутахассисларга нисбатан билдирилади. Демак бўлажак ўқитувчи ўз касбий-педагогик билимларини изчил бойитиш, янги ахборотларни ўзлаштириш, давр талабларини чуқур англаган ҳолда янги билимларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллай олиш орқали касбий компетентликка эришади. Айтиб ўтиш керакки, педагогик касбий компетентлик негизида бир қатор сифатлар мавжуд бўлиб, уларнинг моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

1. Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий-педагогик фаолиятда субъектлар билан коммуникатив мулоқотга кириша олиш.

2. Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида руҳий (психологик), услубий, ахборот (информацион), креатив (ностандарт), инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

- психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, таълим олувчилар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

- услубий компетентлик – педагогик жараёни услубий жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, усул ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, уларни самарали қўллай олиш;

- информацион компетентлик – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан тезкор, мақсадли ва самарали фойдаланиш;

- креатив компетентлик – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндошиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш, муаммоларга нисбатан кенг қамровли турли ҳил ечимларни топа олиш;

- инновацион компетентлик – педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш;

- коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

- шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намойиш қилиш;

- технологик компетентлик – касбий-педагогик БКМни бойтадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш;

- экстремал компетентлик – факултда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилонга қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эғалик ва ҳоказо.

Бир қатор тадқиқотларда бевосита педагогга хос касбий компетентлик ва унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Ана шундай тадқиқотлар сирасига А.К.Маркова ва Б.Назаровалар томонидан олиб борилган изланишларни киритиш мумкин. Ўз тадқиқотларида А.К.Маркова педагогнинг касбий компетентлиги қуйидаги таркибий асослардан иборат эканлигини қайд этади:

- махсус ёки касбий компетентлик (касбий фаолиятни юқори даражада ташкил этиш);
- шахсий компетентлик (ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини намоён этиш);
- ижтимоий компетентлик (қўшимча фаолиятни ҳамкорликда ташкил этиш);
- индивидуал компетентлик (ўз-ўзини бошқариш, касбий ривожланиш ва янгиликлар яратиш)[9].

Ўзбекистон шароитида ҳам педагогга хос касбий компетентлик, унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган бўлиб, улар орасида Б.Назарова томонидан олиб борилган тадқиқот ўзига хос аҳамият касб этади. Тадқиқотчининг фикрига кўра педагогга хос касбий компетентлик негизини қуйидаги таркибий асослар ташкил этади:

- махсус ёки касбий компетентлик (касбий фаолиятни юқори даражада ташкил этиш);
- ижтимоий компетентлик (касбий фаолиятни ҳамкорликда ташкил этиш, ижтимоий масъуллик);
- аутокомпетентлик (ўзини ижтимоий-касбий ривожлантира олиш);
- экстремал касбий компетентлик (кутилмаган вазиятларда ишлай олиш).

Педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эға. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш баҳолаш орқали аниқланади. Ўз устида ишлаш бу мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши тушунилади.

Мутахассиснинг ўз устида ишлаши қуйидагиларда кўринади:

- касбий БКМни такомиллаштириб бориш;

- фаолиятга танқидий ва ижодий ёндошиш;
- касбий ва ижодий ҳамкорликка эришиш;
- ишчанлик қобилиятини ривожлантириш;
- салбий одатларни бартараф этиб бориш;
- ижобий сифатларни ўзлаштириш.

Педагогнинг ўз устида ишлаш босқичи узвий, тизимли шаклда олиб борилади, жумладан,

биринчи босқич - ўз фаолиятини таҳлил қилиш асосида ютуқ ва камчиликларини аниқлаш;

иккинчи босқич - ютуқларини бойитиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ қарорга келиш;

учинчи босқич – қабул қилинган қарор бўйича амалий ҳаракатларни самарали ташкил этиш йўллариини излаш;

тўртинчи босқич - хато ва камчиликларни такрорламасликка интилиш;

бешинчи босқич - қабул қилинган қарорнинг изчил бажарилишини доимий назорат қилиб бориш ва бошқалар.

Педагогнинг қуйидаги амалий ҳаракатлари мутахассис сифатида унинг ўз устида ишлашини ифодалаб беради:

- аниқ мақсад, интилиш асосида педагогик жараёни такомиллаштириш;

- педагогик жараён самарадорлигини, ўзининг ишчанлик фаоллигини ошириш;

- изчил равишда янгиланиб бораётган педагогик билимларни ўзлаштириш;

- илғор технология, метод ҳамда воситалардан хабардор бўлиш;

- фаолиятга фан-техниканинг сўнгги янгилликларини самарали татбиқ этиш;

- касбий кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;

- салбий педагогик низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш чораларини излаш ва ҳоказо.

Олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг ўз устларида изчил, самарали ишлашларида фаолиятга лойиҳали ёндошув асосида олиб бориш самарали ҳисобланади. Уларнинг лойиҳали ёндошув асосида ўз устида ишлаш босқичлари ва ҳар бир босқичда амалга ошириладиган вазифаларнинг самарали ҳал этилиши навбатдаги босқичга ўтиш имконини беради.

Бўлажак ўқитувчининг касбий-педагогик компетентликка эга бўлишида ўзини ўзи таҳлил қила олиши ҳам муҳим бўлиб, бу мутахассис томонидан

касбий фаолиятда ташкил этиладиган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилиши саналади. Мутахассиснинг касбий-педагогик компетентлик сифатларига эга бўлишида уларнинг ўз-ўзини баҳолаш малакаларига эгаллиги ҳам зарур ва бунинг натижасида у ўзини ўзи таҳлил қилади ҳамда касбий компетентлигини ҳолисона баҳолаш имкониятига эга бўлади. Моҳиятига кўра ўзини ўзи баҳолаш субъект учун шахсий имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзига объектив баҳо бериш, ўзидан қониқишни таъминлайди. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби ўқитувчининг ҳам ўзини ўзи самарали баҳолай олишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади, жумладан:

- ўзини тушуниш (ўзи ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш);
- шахс сифатида ўз кадр-қиммати аниқлаш (ўзи тўғрисидаги ижобий маълумотларни тўплаш);
- ўзини-ўзи назорат қилиш (ўзи тўғрисидаги шахсий фикрнинг атрофдагилар томонидан унга берилаётган баҳога мос келиши) ва б.

Ўз-ўзини баҳолаш даражаси шахснинг ўз-ўзидан қониқиши ёки қониқмаслигини белгилаб беради. Бунда ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичлари шахс имкониятларига мос келиши лозим. Ўз-ўзини ривожлантириш педагогнинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши орқали амалга оширилади. Кўплаб тадқиқотчилар ўз-ўзини ривожлантиришнинг энг самарали усулларида бири сифатида махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишда деб билади, бу дастурлар бўлажак ўқитувчини индивидуал ривожланишига йўналтирилган бўлиши самарали натижаларни намоён қилади. Бўлажак-ўқитувчини касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш мақсадига йўналтирилган бу каби индивидуал ривожланиш дастурлари мутахассиснинг ўзида маълум сифат, БКМ, касбий компетентликни такомиллаштириш ва ривожлантириш эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Ушбу дастурда касбий фаолиятни ташкил этиш учун зарур бўлган касбий компетентлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш муддатлари белгиланиши мақсадга мувофиқ. Ҳар қандай педагог ўзи учун шахсий амалий характерга эга бўлган индивидуал ривожланиш дастурларини ишлаб чиқа олиши, у асосида педагогик фаолиятни йўлга қўйиши зарур. Унинг индивидуал ривожланиш дастури индивидуал равишда ўзида касбий-педагогик компетентлик сифатларини такомиллаштириш ва ривожлантириш эҳтиёжларига таянган ҳолда ишлаб чиқилсагина юқори самарадорликка эришилади.

Бўлажак ўқитувчи томонидан ишлаб чиқиладиган касбий-педагогик характердаги индивидуал ривожланиш дастурлари педагогик, психологик ва мутахассислик билимлари билан бирга қуйидаги таркибий қисмлардан ҳам таркиб топган бўлиши мақсадга мувофиқ:

- дидактик малакалар (билишга оид (гностик) лойиҳалаш ижодий-амалий (конструктив) тадқиқотчилик мулоқотга қирувчанлик (коммуникатив) ташкилотчилик изчилликни таъминловчи (процессуал) техник-технологик малакалар);

- тарбиявий ишларни ташкил этиш малакалари (билишга оид (гностик) лойиҳалаш малакалари ижодий-амалий (конструктив) тадқиқотчилик мулоқотга қирувчанлик (коммуникатив) ташкилотчилик изчилликни таъминловчи (процессуал) техник-технологик малакалар);

- руҳиятнинг касбий аҳамиятга эга хусусиятлари ва шахсий сифатлар (педагогик фикрлаш тизимлилик мослашувчанлик мобиллик ижодкорлик ҳозиржавоблик ҳиссий ривожланганлик педагогик рефлексия);

- ўз-ўзини ривожлантириш мақсадлари ва шунга йўналтирилган топшириқлар ва ҳоказо.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш керакки, бўлажак ўқитувчи касбий-педагогик компетентлигини такомиллаштиришга қаратилган индивидуал ривожлантириш дастурларида педагогик билим, малака ва шахсий сифатларининг айна пайтдаги мавжуд даражаси ва бу компетентликни ривожлантиришга қаратилган истиқбол вазифалар келтирилиб ўтилган бўлиши тавсия этилади. Бу ўз навбатида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий жиҳатдан ривожланиш динамикасини турли даражаларда доимий мониторинг қилиб боришда самарали фаолият махсули бўлиб, бунинг натижасида педагог касбий компетентлигига катта эътибор қаратилиши лозим бўлган компетентлик қисмлари яққол кўринади ва бу уни ривожлантиришга туртки беради. Касбий-педагогик компетентлиги юқори таълим берувчи томонидан олиб бориладиган ўқув-тарбия жараёнларида ҳар бир фан ва мавзу ёритилиш жараёни аввало таълим олувчи юқори даражали билим олиши ва юқори касбий компетентлигини шакллантиришга қаратиш талабаларнинг келгусида юқори салоҳиятли ва рақобатбардош кадрлар бўлиб етишишларига ёрдам беради. Бу аввало, жамиятни ривожлантиришга асосий омил бўлиб хизмат қилади, зеро,

юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш келгусида интеллектуал салоҳиятли ёшлар етишиб чиқишини таъминлайди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль.
2. Слостенин В.А. и др. Педагогика. – М.: “Академия”, 2002.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори, 2017 йил 6 апрель.
4. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999.
5. Р.Ишмухамедов, М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2014, 60 бет.
6. Муслимов Н.М. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.
7. Андреев В.И. Педагогика творческого саморазвития: Инновационный курс. Кн. 1. -Казань: Изд-во Казан, ун-та, 1996. - 570 с.
8. Тарасова Н.В. Стратегия реализации компетентностного подхода в образовании: историко – педагогический аспект – М.: ФИРО, 2007. – 52 с.
9. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Знание, 1996.
10. Тоштемирова, С. (2020). Таълимда Чирчиқ тажрибаси. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 445-451.
11. Javlonbek Begaliyev, Doniyor Ahmadjanov. (2020) MDH DAVLATLARIDA MUALLIFLIK HUQUQI TARIXI BILAN BOG'LIQ AYRIM MULOHAZALAR. Academic Research in Educational Sciences 1 (3)
12. Жуммагул Номозовна Абдурахманова, Саодат Абдурашидовна Тоштемирова.(2020). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. Science and Education.1(7). 436-442.
13. Toshtemirova, S., Жолдасов, И. (2019). Білімді адамгершілікке баулу идеясының қажеттігі // “Actual problems of society, education, science and technology: status and prospects of development” collection of scientific papers of the ii international scientific-practical conference. Ақтүбе. P. 17-23.
14. Toshtemirova S. A. (2020). Ta'lim sifati va uni demokratlashtirish ilmiy muammo sifatida // Uzluksiz ta'lim. № 1 (86). - S.5.
15. Toshtemirova, S. (2020). Factors Affecting the Quality of Education and the Importance of the Education Cluster to Address Them. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(4), 151-156.